

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**САДИКОВ РУСТАМ МАНСУРОВИЧ**

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ  
ЛИНГВОМЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
докторской философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Садиков Рустам Мансурович**

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик  
компетентлигини шакллантириш методикаси..... 3

**Садиков Рустам Мансурович**

Методика формирования лингвометодической компетентности  
будущих учителей начальных классов..... 23

**Sadikov Rustam Mansurovich**

Methodology for the formation of linguistic and methodological  
competence of future primary school teachers..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**САДИКОВ РУСТАМ МАНСУРОВИЧ**

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНОФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ  
ЛИНГВОМЕТОДИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1 PhD /Ped1387 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Уразова Марина Батировна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Хакимова Муҳаббат Файзиевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Абдуллаева Розанна Мирзатуллаевна**  
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

**Етакчи ташкилот:** **Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11, факс: (99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди. (2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г. Исянов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Н.А. Муслимов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамияти педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнида лисоний компетентликни шакллантиришнинг креатив технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. 2015 йилда ЮНЕСКО халқаро конференциясида барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун зарур бўлган асосий ваколатларни аниқлаб бериш ва тил билиш қобилиятига алоҳида ўрин ажратилган “таълим соҳасида барқарор ривожланиш мақсадлари”<sup>1</sup> доирасида бутун дунёда халқаро лингвистик марказлар CLS(АҚШ), UniPage (АҚШ), BSC (Буюк Британия), UKLC-Oxford, NTW-Berlin (Германия), CIE (Испания), EF Education (Австралия) фаолияти йўлга қўйилиб, марказларда лингвистик, маданий, мулоқот, ижтимоий-маданий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган ишларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларда бир неча тилларни биладиган кадрлар тайёрлашга устуворлик бериш, кўптилли таълимни такомиллаштириш, таълим жараёнига коммуникатив-фаолиятли ёндашув асосида касбий фазилатлар ҳамда ўқитувчи малакасининг ташкилий моделларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, лингвометодик ва лингводидактик компетенцияларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш, лингвометодик фикрлаш таълим муаммоларининг услубий ечимларини тизимлаштириш, инновацион ёндашув ва усуллардан самарали фойдаланиш, она тилини ўрганишда бошланғич синф таълим жараёнини объектив ташхислаш, таҳлил қилиш ва тўғрилаш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда таълим соҳасида ўзбек, рус ва инглиз тилларни чуқур биладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, полилингвал таълим муҳитини лойиҳалаштира оладиган мутахассислар тайёрлашнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Тегишли фанни ўқитиш бўйича билим ва кўникма даражасини – педагоглар малакасини аниқлашнинг асосий мезони сифатида белгиланди”<sup>2</sup>. Натижада бошланғич синф ўқитувчисининг она тили фанидан ўқув фаолиятини мослашувчан ва самарали ташкил қилиш имконини берадиган компетенциялар, касбий фазилатларни шакллантириш имкониятлари янада кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш

<sup>1</sup><https://ru.unesco.org/node/250614>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538 сонли “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони

тўғрисида”, 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон “2022 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги ВМҚ-394-сон “Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги ВМҚ-997-сон “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инновацион педагогика ва дидактика соҳасидаги муаммолар А.А.Абдуқодиров, Н.Н.Азизхўжаева, Б.С.Абдуллаева, Ж.Г.Йўлдошев, М.Х.Тохтахожаева, А.А.Халиков, М.Э.Хайдаров ва Ф.Р.Юзликаев; таълим психологияси соҳасидаги педагогик концепциялар М.Г.Давлетшин, Ж.Туленов, Н.Ғ.Камилова; таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва ташкил қилишда компетенцияга асосланган ҳамда коммуникатив-фаоллик ёндашуви бўйича услубий қоидалар Н.А.Муслимов, А.Х.Махмудов, М.Б.Уразова; таълимни ахборотлаштириш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг педагогик асослари А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимкулов, Ф.М.Закирова, Л.М.Набиулина, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини ошириш масалалари Р.А.Мавлонова, К.Косимова, М.Э.Джумаев, Ш.Юлдашева, Г.Боймурадова, М.И.Тошпулатова; она тили ўқитиш методикасининг фалсафий жиҳатлари, унинг амалда қўлланилиши муаммолари А.Я.Бобомуродова, Р.Г.Сафарова, Н.Х.Сатторова, Ш.Ж.Юсупова; бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикасини ўрганиш ва таҳлил қилиш масалалари Т.У.Зиёдова, Л.И.Рахматуллаева, У.А.Машарипова, Ш.Йўлдашева, Г.А.Маматова, А.Р.Хамроевлар томонидан тадқиқ этилган.

Педагогик технологиялар ва дидактика соҳасидаги фундаментал тадқиқотлар А.А.Вербицкий, В.И.Загвязинский, В.С.Леднев, П.И.Пидкасистий; таълим психологияси соҳасидаги илмий изланишлар А.В.Брушлинский, Л.С.Виготский, С.А.Днепров; таълим жараёнини ташкил этишда компетенцияга асосланган ва коммуникатив-фаоллик ёндашуви бўйича илмий тадқиқотлар В.К.Дьяченко, И.А.Зимняя, В.В.Краевский, А.А.Леонтьев, Е.И.Пассов, А.В.Хуторской; тилшунослик ва рус тилини ўқитиш методикасини ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича илмий ишлар

Е.А.Бистрова, И.Ю.Гац, Н.А.Исаева, А.П.Еремеева, Э.В.Криворотова, М.Р.Львов, Т.Г.Рамзаева, Н.Е.Синичкина, Н.Ю.Штрекер; бошланғич синфларда она тилини ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар Е.В.Бунеева, Т.И.Зиновьева, Л.В.Савельева, Н.Н.Светловская, Е.В.Федяева, С.В.Юртаевлар томонидан амалга оширилган.

M.Aliakbari, M.Arif, A.Arslan, J.C.Araujo, M.Daniels, F.Delamare, G.Halasz, K.Gansle, A.Klapper, M.A.Martinet, H.Meyer, K.Tazik, J.Winterton, Ch.Wanjun, İ.Şeref, B.Varışoğlu тадқиқотлари ўқитувчиларнинг касбий фазилатларини шакллантириш компетенциясига бағишланган бўлиб, уларда бўлажак ўқитувчи тайёрлашда ташкилий моделлари ҳамда ўқитишга асосланган янгича ёндашувлар, шунингдек, тилшунослик ва тил ўқитиш методикаси масалалари тадқиқига қаратилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2019 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш методикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг лингвометодик компетентлиги шакллантириш методикасини такомиллаштиришнинг педагогик таъсир имкониятларини таҳлил этиш;

ўқув жараёнида бошланғич таълим йўналиши талабаларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш методикаси матнли топшириқлар киритиш асосида такомиллаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш моделини такомиллаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида лингвометодик компетенцияни ривожлантирувчи-когнитив қарашлар ҳамда технологик омиллар трансформацияси асосида такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш методикасини ташкиллаштириш жараёни танланган бўлиб, тадқиқот Тошкент давлат педагогика университети, Андижон давлат университети, Жиззах давлат педагогика институтида олиб борилган, унда 325 респондент иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини лингвометодик компетентлигини шакллантириш методикасини такомиллаштиришнинг шакллари, методлари ва воситаларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда диссертация мавзусини ҳар томонлама ўрганишга қаратилган назарий (аналитик-синтетик, қиёсий, аналогия, моделлаштириш); диагностика (сўров, тест, кузатиш); башоратли (эксперт баҳоси, ўз-ўзини баҳолашни умумлаштириш); педагогик эксперимент ва математик статистика усуллари (статистик маълумотларни қайта ишлаш, натижаларни график тасвири ва бошқалар) тўплами ишлатилган.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидгилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг лингвометодик компетентлиги сюжетли матнларнинг коммуникатив, шахсий ва касбий фазилатларга уйғунлигини ривожлантирувчи ўқув вазиятларининг методик характердаги махсус дидактик жараёнларга педагогик таъсир имкониятларини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш методикаси илмий матннинг мантиқий ва услубий жиҳатларини бирлаштириш, денотатив-предикатив таҳлилни ўз ичига олган матнли топшириқларни киритиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш модели функционал нутқ навлари, ёзувнинг ички тузилиши, нутқ кўникмаларини шакллантириш даражасининг диагностик маълумотларини таълим жараёнининг технологик конструкцияларига босқичма-босқич уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлиги экспериментал дарслар, нутқ ва тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган ривожлантирувчи-когнитив қарашлар, усуллар ҳамда интерактив ва технологик омиллар трансформацияси асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

она тилини ўқитиш методик тизимида лингвометодик компетентлиги шаклланишининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган;

ривожлантирувчи таълим асосида “Она тили ва болалар адабиёти”, “Она тили ўқитиш методикаси” фанларининг таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар тизими ишлаб чиқилган ҳамда “Она тили ўқитиш методикаси” электрон ўқув-услубий мажмуаси ўқув жараёнига татбиқ этилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига рус тилини ўргатишнинг мантиқий ва услубий жиҳатларини бирлаштирган “Она тили практикуми” инновацион ўқув қўлланмаси (сертификат №110-160) яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** маҳаллий ва хорижий олимларнинг билимлар назарияси ва ўқитувчилар таълими методологиясига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос ва бир-бирини тўлдирувчи усуллардан фойдаланилганлиги; экспериментал ишлар ва тадқиқот натижалари таҳлилининг миқдорий ва сифат хавфсизлиги, хулосалар ва



тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ваколатли органлар томонидан олинган натижалар асосида тасдиқланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик фикрлаш ва когнитив қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган лингвометодик тайёргарлик концепцияси, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини лингвометодик тушунчалар билан ишлашда фундаменталлик, касбий лойиҳалаш, она тилининг метапредметлиги, фанлараро интеграция, касбий йўналтирилганлик, амалиётга йўналтирилганлик тамойилларига асосланганлиги ҳамда бошланғич синф она тили дарсларини мақсадли, мазмунли ва технологик компонентлар мажмуасида лойиҳалаштириш тамойилларига асосланган модели яратилганлиги билан белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлиги шаклланишининг амалий диагностикасини ишлаб чиқиши, она тилида фаол ўқитиш учун зарур бўлган касбий компетенцияларини шакллантириш, дарсларда муаммоли вазиятларни яратиш ҳамда рус тили дарсини мультимедиали иловалардан фойдаланишга асосланган дарслар режаси ва ишланмалари ишлаб чиқилганлиги, интерактив методларга асосланган рус тили дарслари учун мультимедиали тақдимотлар мажмуаси таклиф қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш бўйича олинган натижалар:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг лингвометодик компетентлиги сюжетли матнларнинг коммуникатив, шахсий ва касбий фазилатларга уйғунлигини ривожлантирувчи ўқув вазиятларининг методик характердаги махсус дидактик жараёнларга педагогик таъсир имкониятларини аниқлаш асосида такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида “Она тили практикуми” (“Родной язык практикум”) номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сон буйруғи асосида берилган 110-160 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг лингвометодик компетентлиги шакллантириш методикасини такомиллаштириш имконияти оширилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш методикаси танқидий тафаккурини ривожлантириш, самарали ва онгли ўқиш ва баҳолаш технологиялари, илмий матннинг мантикий ва услубий жиҳатларини бирлаштириш, денотатив-предикатив таҳлилни ўз ичига олган матнли топшириқларни киритиш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги

Тошкент давлат педагогика университети 2022 йил 31 мартдаги 02-07-884/04-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич таълим йўналиши талабаларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш технологиясини такомиллаштиришга эришилган;

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш модели функционал нутқ навлари, ёзувнинг ички тузилиши, нутқ кўникмаларини шакллантириш даражасининг диагностик маълумотларини таълим жараёнининг технологик конструкцияларига ўзаро уйғунлаштириш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар “Она тили практикуми” (“Родной язык практикум”) номли ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110 сон буйруғи асосида берилган 110-160 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш модели такомиллаштирилган;

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлиги экспериментал дарслар, нутқ ва тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган ривожлантирувчи-когнитив қарашлар, усуллар ҳамда интерактив ва технологик омиллар трансформацияси асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 2022 йил 31 мартдаги 02-07-884/04-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида лингвометодик компетенциянинг шаклланиш даражасини аниқлаш имкони ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзусида 13 та илмий ишлар chop этилган, шу жумладан 5 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан илмий тадқиқотларнинг асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган нашрларда, шундан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника

таракқиётининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, ишончлилиги, амалиётга татбиқ этишнинг илмий ва амалий аҳамияти, эълон қилинган натижалари ҳамда ишнинг таркиби ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида лингвистик компетенцияни шакллантиришнинг назарий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини шакллантириш концепциялари ва стратегиялари, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигининг тузилиши, шунингдек, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш модели кўриб чиқилган.


Бакалаврларнинг лингвометодик тайёргарлиги концепцияси, лингвометодик жиҳатдан тайёрлашнинг асосий стратегиялари, тилшунослик ютуқлари ва дидактик методлар типологияси, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг филологик ва услубий тайёргарлиги Н.А.Исаева, М.Р.Львов, Т.Г.Рамзаева, Н.Е.Синичкина, Н.Н.Светловская, Т.У.Зиёдова, А.Р.Ҳамроев, А.Я.Бобомуродова, У.А.Машарипова, Г.А.Маматоваларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Диссертацияда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг реал воқелик ва эҳтиёжларига жавоб берадиган юқори даражадаги лингвометодик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган назарий-методик тайёргарлик тизимини инновацион таълим майдонида такомиллаштиришнинг назарий асослари аниқланган. Фундаменталлик, касбий лойиҳалаш, она тилининг метапредметлиги, фанлараро интеграция, касбий йўналтирилганлик, амалиётга йўналтирилганлик тамойиллари ҳамда касбий компетентлик, лингвистик компетенция, лингвометодик компетентлик, лингвометодик компетентлик таркиби, методик фаолият каби асосий тушунчалар таркибий-фаолиятли ёндашувлар асосида ривожлантирилган.

Компетенция - бу маълум бир соҳада самарали фаолият юритиш учун зарур бўлган билим ва тажрибанинг мавжудлиги, бу ҳар қандай соҳада ҳар томонлама билимга эга бўлган, шунинг учун унинг фикри салмоқли ва обрўли шахснинг сифатидир. Таълим компетенцияси - бу талабаларнинг таълим тайёргарлиги даражаси ва сифатининг ўзига хос талаби бўлиб, у талаба фаолиятининг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи билим, кўникма, малака ва амалий тажрибаси кўринишида намоён бўлади. Лингвистик компетенция (компетентлик) - тил, унинг тизими ҳақида билиш, яъни тилшуносликнинг метатилини ўзлаштирилганликни англатади.

Олий таълим муассасалари талабалари учун икки босқичли компетенциялар иерархияси қурилган. Биринчи босқични таянч компетенциялар – коммуникатив, ахборотлар билан ишлаш, ўзини ўзи ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий компетенциялар ҳамда математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциялари ташкил қилса, иерархиянинг иккинчи босқичи асосий мутахассислик фанлар ва ўқув курсларини қамраб олувчи фан компетенцияларидан иборат.


Диссертацияда Давлат таълим стандарти ва малака талабларини таҳлил қилиш асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг педагогик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий-бошқарув фаолияти доирасида лингвометодик компетентлигининг қуйидаги компонентлари тизимлаштирилган (1-расм).



1-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг лингвометодик компетентлиги таркиби

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси она тилининг назарияси ва ўқитиш методикасини мукаммал билиши керак, ушбу ўқув фанининг умумий илмий тизимда қандай ўрин эгаллашини тушуниш, рус тилини ўқитишга қаратилган турли метод ва воситаларни қўллаш, ҳозирги тайёргарлик даражасини, ёш ва синф хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини башорат қила олиш ва режалаштира олиши керак.

Биринчи бобда бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг лингвометодик тайёргарлиги моделини ишлаб чиқишга турли ёндашувлар ўрганилди. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш модели функционал нутқ навлари, ёзувнинг ички тузилиши, нутқ кўникмаларини шакллантириш даражасининг диагностик маълумотларини таълим жараёнининг технологик конструкцияларига босқичма-босқич уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган. Бу модель 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш модели

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини лингвистик цикл ва она тилини ўқитиш методикаси бўйича касбий тайёргарликнинг мақсади бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг тил таълими соҳасидаги лингвометодик компетентлигини шакллантиришдир. Бу мақсадни амалга оширишнинг методологик асосини компетенциявий-мазмунли ва таркибий-фаолиятли ёндашувга асосланган концепцияси ташкил этади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиб, бошланғич мактаб ўқитувчиларига керакли мослашувчанлик ва касбий кўникиш даражасини берди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси нафақат умумий касбий, балки махсус компетенцияларга ҳам эга бўлиши керак. Айнан шу компетенциялар нисбати туфайли битирувчи ўзи танлаган фаолият соҳасида ўз вазифаларини малакали, сифатли ва самарали бажариши мумкин. Бакалаврнинг касбий фаолиятида муваффақият ва аъло натижаларга эришишга қаратилган касбий компетенцияларининг асоси асосий илмий фанлар бўйича фундаментал билимлар бўлиб, улар негизида келажакда мутахассиснинг ўзини ўзи ривожлантириш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш салоҳияти шаклланади.

Диссертацияда асосий воситалар сифатида дарсликлар, ўқув қўлланмалари (она тилида ҳам, она тилини ўқитиш методикасида ҳам), электрон таълим манбалари, бошланғич синф дарсликлари учун мультимедиа иловалари ва бошқалардан фойдаланилди.

Таклиф этилаётган моделнинг яна бир муҳим жиҳати – бу баҳолаш мезони ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари орасида лингвометодик компетентликнинг шаклланиш даражасини кўрсатувчи мезонлар. Нутқ кўникмаларини шакллантириш даражасининг диагностик маълумотларини таълим жараёнининг технологик конструкцияларига босқичма-босқич уйғунлаштирилган. Педагогик жараённинг натижаси бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг лингвометодик компетентлиги шаклланганлик жараёни билан белгиланади.

Ўқув жараёнини шу модель асосида қуриш ўқув жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишда вужудга келадиган она тилини ўқитиш усулларининг турли муаммоларини янада самарали ва муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик даражаси ва сифатига қўйиладиган талаблар рўйхатини ишлаб чиқишда “компетенция” атамаси ишлатилган. Компетенцияларни шаклланиш даражасини аниқлашда, шунингдек, муайян педагогик фаолият натижасини кўриб чиқиш ва баҳолашда “компетентлик” атамаси қўлланилган.

Диссертацияда лингвометодик компетентлик – бу бошланғич синф ўқитувчисининг она тилини бошланғич синфларда ўқитиш соҳасидаги мақсадларга эришиш учун услубий ёндашувлар, ўқитиш усулларини режалаштириш ва қўллаш имконини берадиган зарур билим ва шахсий фазилатларининг йиғиндиси, деб таърифланган.

Диссертациянинг “Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантириш методикаси” деб номланган иккинчи бобида бошланғич таълим йўналиши бўйича бакалаврият талабаларининг лингвометодик тафаккурини ривожлантириш тизими, бошланғич мактабда рус тилини ўрганишга замонавий ёндашувларнинг лингвистик асослари, бошланғич таълим йўналиши талабаларнинг лингвометодик компетенцияларини шакллантириш учун мультимедиа ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш методикаси ёритилган.

Бошланғич мактабда рус тили ўқитиш замонавий ёндашувларининг лингвистик асослари кўриб чиқилиб, бошланғич синфларда она тили дарсларида қўлланиладиган методик ечимлар, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик компетентлигини шакллантиришнинг мақсади, мазмуни, шакллари, усуллари ва воситалари ўрганилган.

Диссертацияда PIRLS халқаро тадқиқотлари ва миллий EGRA тадқиқотлари билан боғлиқ ҳолда, таълимни ривожлантиришнинг энг кўп муҳокама қилинадиган йўналишларидан бири саналишига эътибор қаратилган. PIRLS халқаро тест тизимидан ўтишда 4-синф ўқувчилари бадий адабиёт матни ёки илмий-оммабоп мақолалар матни билан ишлаш кўникмаларига катта эътибор беришади. Шу муносабат билан бошланғич синф ўқувчиларида функционал ўқиш кўникмаларини шакллантириш янада долзарб бўлиб қолади. Бошланғич синф ўқувчиларида ахборот билан ишлаш малакасини шакллантириш, очиқ шаклда жойлашган матндан маълумотларни ажратиб олиш ва бу маълумотларни шарҳлаш усули биринчи ўринда туради. Шу нуқтаи назардан, лингвометодик тайёргарлик мазмуни ўқувчиларнинг ушбу тадқиқотларда қатнашиш учун тайёрлашга қаратилган ривожлантирувчи характердаги топшириқларни ўз ичига олган. Танқидий фикрлаш технологиялари, самарали, мазмунли ўқитиш технологияси, имло ва ўқиш саводхонлигини баҳолаш технологияси тавсия этилди.

Белгиланган мақсад, ўрганилаётган материалнинг табиати, шунингдек, ушбу тадқиқот муаллифининг бўлажак ўқитувчининг лингвометодик компетенциясини самарали шакллантиришга бўлган афзаллигини ҳисобга олинган ҳолда, амалий тадқиқотлар, муаммоли усуллардан иборат ўқитиш усулларининг оптимал комбинацияси сифатида Б.Блумнинг аналитик-синтетик усули, 6 та шляпа, SCAMPER, муаллифлик техникаларни таҳлил қилиш, турли график органайзерлардан фойдаланиш ва бошқа усуллари таклиф этилган. Хусусан, Б.Блум таксономияси, бизнинг фикримизча, педагогик жараёнда мақсадларга эришишни назорат қилишнинг ягона тизимларидан бири сифатида қаралди. Б.Блум таксономиясининг яратилиши ўқув жараёни натижаларини кузатиш зарурати билан боғлиқ.

Муаммоли маърузалар, амалий машғулотлар ва семинарлар, шунингдек, талабаларнинг мустақил ишлари ва педагогик амалиётда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг таълим ва касбий фаолияти моделлаштирилди, лингвометодик компетенцияларини шакллантириш жараёнида ўқитишни ташкил этишнинг асосий шакллари бўлажак бошланғич мактаб ўқитувчиларининг малакасини оширишнинг асосий омили бўлиб хизмат

қилди. Бундан ташқари, бугунги кунда ўқув жараёнини ташкил этиш учун инновацион технологияларни излаш ва ишлаб чиқишга талабаларнинг ўзларини жалб қилиш зарурати туғилди. Шу мақсадда нутқни ривожлантириш, ўрганиш ва таҳлил қилиш, орфографик саводхонликни ривожлантириш, лингвистик компетенцияни ривожлантириш, функционал нутқ навлари, ёзувнинг ички тузилишини таълим жараёнининг технологик конструкцияларига уйғунлаштириш учун турли лойиҳалар қўлланилди.

Компетентликнинг маълум даражадаги ривожланишини кўрсатувчи асосий лингвистик ва хусусий услубий компетенцияларни шакллантириш мезони сифатида ўқув материалининг трансформация турини аниқлайдиган ва муайян фаолият турлари билан боғлиқ бўлган вазифалар ишлатилди.

Диссертацияда аниқ мисолларга асосланиб, бакалаврларга тушунчаларни мустақил равишда ўзлаштиришга, шунингдек, ўқувчилар ўртасида тушунчаларни ўзлаштириш бўйича ҳаракатларни бошлашга имкон берадиган методология ишлаб чиқилди, бу нафақат мавзу, балки мета-мавзу натижаларига эришиш нуқтаи назаридан, когнитив универсал таълим ҳаракатларини шакллантирилишига эришилди.

Лингвометодик фикрлашнинг зарурий ривожланиши “таҳлил”, “синтез” ва “баҳолаш” даражаларида содир бўлади, улар турли тузилмалар ва тизимларни ташкил этиш тамойилларини ўрнатишни, шунингдек, индивидуал компонентлар ўртасидаги муносабатни тушунишни ҳам назарда тутди.

Муаммоли вазиятлар ва компетенцияга асосланган вазифаларни яратишнинг ишлаб чиқилган методологияси бакалаврларнинг – бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг – юксак интеллектуал ривожланишидан далолат берувчи лингвометодик компетенцияни шакллантиради.

Шундай қилиб, Б.Блум таксономиясининг 6 даражасидаги тушунчалар билан ишлаш тизими компетенцияларнинг шаклланиш даражасини ташхислаш ва бакалаврларнинг ақлий фаолияти характерини баҳолаш имконини беради, бу эса лингвометодик фикрлашнинг ривожланиш даражасини кўрсатади. бакалаврларнинг лингвометодик тайёргарлигининг асосини ташкил этувчи лингвистик мазмун ва услубий фаолиятга йўналтириш босқичида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини яхшилайдди.

Нутқни ривожлантириш, имло саводхонлигини ошириш, лингвистик компетенцияларни ривожлантириш Л.Э.Журова, О.В.Лисенко, С.Н.Лисенкова, Р.Фрейнманлар томонидан тақлиф этилган. Материални ўрганаётганда, талабалар ҳар бир методиканинг ижобий ва камчилик томонларини таҳлил қилишлари, бошланғич синфлар учун рус тили дарсликлари билан солиштиришлари, сўнгра маълумотларни синтез қилишлари, методиканинг асосий жиҳатларини, унинг асосий ғояларини ажратиб олишлари, унинг асосий тушунчалар ва ниҳоят, методологияни баҳолашлари тақлиф этилган. Бу талабаларга мумтоз услубий ва инновацион ёндашувлар асосида лингвометодик компетентликни шакллантиришга имкон бериши, рус тилини ўргатишнинг илғор тажрибасини ўзлаштиришга ёрдам



бериши, унинг самарадорлиги вақт синовидан ўтганлиги бу ресурслардан фойдаланувчилар сони билан белгиланиши билан изоҳланган.

Диссертацияда бошланғич синфларда рус тилини ўқитишда замонавий ёндашувларнинг лингвистик асослари кўриб чиқилди, матн билан ишлаш, матндаги маълумотлар билан ишлаш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилди, матннинг мантиқий ва услубий жиҳатлари призмасидан кўриб чиқилди. Денотатив-предикатив таҳлилни ўз ичига олган матнли топшириқлардан фойдаланилди, бунда мавзу мазмуни (тил мазмуни денотаталари, семалар), тил ифодаси денотаталарининг предикатив корреляцияси, мавзу мазмунининг концептуал ахбороти аниқланди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, матннинг семантик мазмуни денотатив-предикатив таҳлил қилиш ва матн мазмуни синтактик бирликларининг сифат хусусиятлари матн билан ишлашнинг асосий усулларига айланди.

Талабаларни илмий-услубий қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳар хил ёндашувлар таҳлил қилинди: биринчидан, анъанавий дарслик ва ўқув қўлланма, фундаментал билимлар манбаи, “ўзгармас қадриятлар” ғоясини қўллаб-қувватлайдиган “мумтоз”, иккинчидан, ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялаш фаолиятини рағбатлантирувчи дарслик ўрнига электрон ресурслар мажмуасини таклиф этувчи “инновациялар”.

Диссертацияда мультимедиали иловалар ёрдамида бошланғич синфларда она тили дарсларини ўтказиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилди. Янги воқеликни ҳисобга олган ҳолда, лингвометодик компетентлигини шакллантириш компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда янги ахборот-таълим макони форматида амалга оширилиши аниқланди.

Бундай шароитда, мультимедиа марказида маҳаллий платформада ишлаб чиқилган, бошланғич синфлар учун рус тилидаги мультимедиали иловалардан фойдаланиш ўринли бўлди. Талабаларни янги мультимедиали иловаларни ўзлаштириш шароитида ўқувчилар фаолиятини ташкил этишга тайёрлаш, улардан фойдаланиш билан таълимий вазиятларни тузиш методологиясини, ўзига хос хусусиятларини аниқлашни, рус тили дарсларида мультимедиали иловалардан фойдаланиш усулларини ўзлаштириш билан белгиланди.

Электрон ва компьютер технологияларидан фойдаланишни тизимлаштиришда тақвим-мавзули режаларда ҳар бир мавзу учун рус тилидаги 1-4-синф дарсликларида мультимедиали иловаларнинг ресурслари (анимация, видео ва аудио материаллар, тестлар, тренажёрлар ва бошқалар) белгиланди. Бундан ташқари, интернетдаги турли тақдимотлар ва электрон онлайн ресурсларидан самарали фойдаланиш таклиф қилинди. “Бойкуш холанинг дарслари”, “Билмасвой ҳарфлар мамлакатаида”, “Бўғирсоқ билан Грамматикага саёҳат” ва бошқа шу каби мультимедиа ҳикояларига яратилган дастурлар орқали рус тили асосларини ўргатишда фойдаланиш ўрганилаётган материални ўзлаштириш сифатини оширди. “Аълочи”, “Билағон”, “Қувноқ тўсиқ” ва бошқа тест дастурлари рус тили дастуридан ўрин олган ҳар қандай мавзу юзасидан ўқувчиларда мавжуд билим, кўникма

ва малакаларни жуда тез ва осон бажариладиган ўйинлар ёрдамида аниқлашга ёрдам берди.

Диссертацияда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лингвометодик тафаккурини ҳар томонлама ривожлантиришдан фойдаланиш лингвометодик компетентлигини шакллантиришнинг яхлит услубий тизими сифатида тақдим этилган.

Диссертациянинг **“Педагогик эксперимент ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш”** деб номланган учинчи бобда бошланғич таълим йўналиши бўйича талабаларнинг лингвометодик компетентлиги даражасининг диагностикаси ифодаланган, шунингдек, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари методик компетенцияларнинг шаклланиши жараёнида ўтказилган тажриба-синов ишлар натижалари келтирилган.

